

ТАЪЛИМДА МИЛЛИЙ МУСИҚИЙ ТАСАВВУРЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Мадрахимов Мирзохид Мирзабахрамович

Республика мусиқа ва санъат коллежи

“Халқ чолғулари” кафедраси Катта ўқитувчи

Ёш авлодда миллий мусиқий тасаввурларни шакллантириш - уларнинг мусиқий билимлари ҳажмини кенгайтириш, фанга доир янада чуқур маълумотларга эга бўлишларига имконият яратиш билан бирга миллий ғурур, Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларга ҳурматни янада оширишда кенг имкониятлар яратади.

Психология луғатида тасаввурга қуйидагича таъриф берилган: - “Предмет ёки ҳодиса (воқеа) нинг олдинги тажриба асосида пайдо бўлган, сезги ва идрок маълумотлари асосидаги кўргазмали образига тасаввур дейилади”⁹. Фалсафа луғатида келтирилишича, - “Тасаввур воқелик предметлари ва ҳодисаларининг ҳиссий-яққол, умумлашган образи бўлиб, бу образ предмет ва ҳодисаларнинг сезги органларига бевосита таъсир этмаса-да, лекин онгда сақланиб қолади ва такрор ҳосил бўлади. Тасаввур онгнинг зарур элементидир, чунки у тушунчаларнинг маъно ва мазмунини доимо нарсаларнинг образи билан боғлайди ва айни вақтда онга предметларнинг ҳиссий образлари билан эркин равишда иш кўриш имкониятини беради”¹⁰. Мусиқа оҳанглар образлари орқали намоён бўлганлиги боис уни тушуниш, англаш онгда маълум тасаввурлар тарзида акс этади.

“Шахснинг атроф-борлиқ тўғрисидаги билимлари унинг шахсий тажрибаси билан боғлиқ равишда ўзида тасаввурлар тизимини ташкил этади. У ёки бу объект ёки ҳодиса ҳақида билимнинг мавжуд эмаслиги тасаввурнинг ҳам йўқ эканлигидан дарак беради. Тасаввур юзаки ёки чуқур маъноли, кенг миқёсли ёки тор бўлгани учун ҳам уларнинг ҳар бир шахсда шаклланганлиги даражаси ҳақида гапириш мумкин”¹¹.

Мусиқий тасаввурлар тадқиқи тарихига назар ташлаганда, бу борадаги дастлабки илмий изланишлар XIX асрнинг иккинчи ярмида бошланган. Жумладан, чет эл олимларидан К.Штумпф, Брентано, О.Абрахам, К.Сишор, Г.Гельмгольц ва бошқаларнинг мусиқий-психологик тадқиқотлари мавжуд¹².

Мусиқанинг психологик хусусиятлари қамраб олинган тадқиқотларда мусиқа ва тингловчи, яъни коммуникатор (ижрочи) ва реципиент (тингловчи), идрок генезиси ва динамикаси, мусиқий мазмунни англашда шахс установақасининг роли, идрок жараёнида ёш хусусиятлари, мусиқий қобилиятлар онтогенези ва ривожланиши,

⁹ Психологический словарь. Под ред. В.В.Давыдова, А.В.Запорожца, Б.Ф.Ломова и др. НИИ общ. и пед. психологии. - М.: Педагогика, 1983. - С.272.

¹⁰ Философия луғати. - Т.: Ўзбекистон, 1976. - Б.474.

¹¹ Каримова В.М. Ўзбек ёшларида оила тўғрисидаги ижтимоий тасаввурлар шаклланиши. Психол. фанл. докт... дисс-я. Фарғона, 1994. - Б.152.

¹² Готсдинер А.Л. Генезис и динамика формирования способности к восприятию музыки: Автореф. дисс. ... докт. псих. н. - М., 1989. - 43 с.

турли ижтимоий қатламларга мансуб шахсларнинг муסיқий идроки даражалари ва бошқа муаммолар қамраб олинган.

Жумладан, А.Л.Готсдинернинг - мусиқани идрок қилиш генезиси, В.В.Медушевскийнинг - мусиқанинг маънавий ҳаётни акс эттиришдаги ўрни, А.Н.Сохорнинг - мусиқада социология ва эстетика масалалари, Е.В.Назайкинский ва Л.М.Кадциннинг - асар мазмунини англашда мусиқий товуш хусусиятлари, В.И.Петрушиннинг - турли ижтимоий қатламларга мансуб оилаларда болаларнинг мусиқий идроки, К.В.Тарасованинг - мактабгача ёшдаги болаларда мусиқани идрок қилишнинг шаклланиши каби тадқиқотларни санаб ўтиш жоиз. Мазкур тадқиқотлар ўзининг кўлами ва йўналишлари жиҳатидан мусиқа психологиясида муҳим илмий ғоя ва назарияларни асослашга, шахсда мусиқий товушларга оид тасаввурлар шаклланиши механизмлари ва қонуниятларини англашга ёрдам берди¹³.

Мусиқий таълим мазмуни ва шаклини миллийлаштириш, ўзбек мумтоз мусиқаси ҳамда фольклори намуналарини ўқув жараёнига татбиқ этиш борасида кўпгина тадқиқотчилар маълум илмий натижаларга эришдилар. Шунга қарамасдан, мамлакатимизда мусиқа психологияси фани доирасида ўқувчиларнинг миллий мусиқа бўйича тасаввурлари шаклланишига доир тадқиқотлар ўз ечимини кутаётган янги илмий йўналиш ҳисобланади.

Миллий мусиқий тасаввурлар тушунчаси – “Турли ёшга мансуб ўқувчилар халқ мусиқа асарларини қандай идрок этади?”, “Шахснинг маълум мусиқа жанрига нисбатан эҳтиёжи ва қизиқишлари қайси омиллар орқали ўзгаради?”, “Нима учун яшаш жойи, ёши, оила муҳити бир хил болалар ҳамда ўсмирларнинг мусиқий тасаввурлари мазмуни, йўналганлиги ва ҳажми турлича бўлади?”, - “Ўқувчиларда миллий мусиқий тасаввурлар қўйи даражада намоён бўлиши қайси объектив ва субъектив омиллар билан изоҳланиши мумкин?” сингари саволларга жавоб бериши лозим.

Мусиқий тасаввурлар шаклланишида мусиқа янграши ҳамиша ташқи омил сифатида кечади ва мазмунли ахборот тарзида шахсда мақбул эмоционал-психик ҳолатларни ҳосил қилади. Бироқ яратилган мусиқий асар моддий борлиқ эмас, балки муаллифнинг тингловчи билан ўзига хос мулоқоти, унинг фикри ва ҳиссиётларига таъсир этишнинг ўзига хос психологик усулидир.

¹³ Готсдинер А.Л. Генезис и динамика формирования способности к восприятию музыки: Автореф. дисс. ... докт. псих. н. М., 1989. – 43 с. // Кадцин Л.М. Музыкальное искусство и творчество слушателя: Учеб. пособие для вузов. - М.: Высш. школа, 1990. - 303 с. // Медушевский В.В. Двойственность музыкальной формы и восприятие музыки: О содержании понятия "Адекватное восприятие" / Восприятие музыки. - М.: Музыка, 1980., С.120-134. // Петрушин В.И. Музыкальная психология. - М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 1997. - 384 с. // Сохор А.Н. Вопросы социологии и эстетики в музыке. Сост. Ю.Капустин. - Л.: Советский композитор. 1980. - 295 с. // Тарасова К.В. Онтогенез музыкальных способностей / НИИ дошк. восп. АПН СССР. - М.: Педагогика, 1988. - 176 с. // Теплов Б.М. Избранные труды: В 2-х т. Т.1. - М.: Педагогика, 1985. - 328 с.

“Моддий товуш объекти-мусиқа асарини идрок қилишнинг дастлабки босқичи бўлиб, музиқий мазмунни англаш эмоционал ва интеллектуал фаолиятлар билан ҳамкорликда қузатилади”¹⁴. Шахснинг кайфияти ва ҳиссий ҳолати тасаввурлар шаклланиши сифатига таъсир этади ҳамда – “Музиқий эшитиш қобилияти, ритм сезгиси, музиқий хотира ва музиқий образ ривожини тасаввур қилиш қобилияти идрокнинг асоси бўлиб ҳисобланади. Булар нафақат субъектив, балки индивидуалдир”¹⁵.

Тасаввурлар шаклланишида инсон музиқанинг фақатгина моҳиятини англаб қолмасдан, балки муаллифнинг асарда акс эттирган маънавий тажрибасини онгдаги турли ассоциатив боғланишлар орқали ўз шахсий тажрибаси билан бирлаштиради. Айниқса, - “Тинглаш орқали эстетик кечинмалар намоён бўлишида инсон шахси, унинг ижтимоий келиб чиқиши, миллий ва индивидуал хусусиятлари ифодаланади”¹⁶.

Музиқий тасаввурлар шаклланишига таъсир кўрсатувчи турли психологик омилларни ўрганган тадқиқотчилар бунга тааллуқли ўзларининг илмий қарашлари ва ҳулосаларини баён қилдилар. Жумладан, А.Н.Сохорнинг эътироф этишича, музиқий тасаввурлар шаклланиши жараёни ўзида субъект ва объект алоқадорлигини намойиш этади, яъни тингловчи ўз онгида объектив борлиқнинг субъектив образини яратади. Тасаввурлар шаклланиши жараёни, биринчидан, тингловчи мансуб бўлган ижтимоий ҳолатга; иккинчидан, шахснинг индивидуал-психологик белгилари, яъни фаолият тури, қизиқишлари, дунёқараши, диди ва музиқий идрокига боғлиқдир.

Таъкидлаш лозимки, маълум музиқа асари бўйича ташкил этилган реклама-тарғибот ҳам музиқий тасаввурлар шаклланишига бевосита таъсир этиши мумкин.

А.Л.Готсдинер талқини бўйича – “Музиқий тасаввурлар шаклланиши детерминантлари сифатида 3 та омил мавжуддир, булар:

- 1) музиқага нисбатан табиий сензитивлик;
- 2) индивиднинг “музиқий биография”си ва музиқий тажрибасини шакллантирадиган ижтимоий шароитлар;
- 3) умумий ва музиқий ривожланиш даражаси”¹⁷.

Буларнинг барчаси шахснинг индивидуал хусусиятлари орқали перцептив (идрок) жараёнларнинг сифат мазмуни билан боғлиқдир. Тадқиқотчи музиқий мулоқот (музиқани ижро этиш ва тинглаш, яъни: коммуникатор (ижрочи) - реципиент [тингловчи]) нинг музиқий-психологик хусусиятларини таҳлил қилиб, музиқа асарининг яратилиши, ижроси ва тингловчида маълум тасаввурлар шаклланишини қўйидагича ифодалайди; - ижодкор → мулоқот воситаси (музиқа асари) → ижрочи → тингловчи.

¹⁴ Очеретовская Н.А. Содержание и форма в музыке. - Киев.: Муз. Украина, 1964. – С.95.

¹⁵ Разумный В.А. О хорошем художественном вкусе. - М.: Госполитиздат, 1961. – С.94.

¹⁶ Юқоридаги китобдан. – Б.33.

¹⁷ Готсдинер А.Л. Генезис и динамика формирования способности к восприятию музыки: Автореферат диссертации доктора психологических наук. М., 1989. – С.21.

А.Л.Готсдинер мусиқанинг эмоционал-психологик йўналтирувчи салоҳияти, яъни бевосита таъсир этиш орқали фаоллик кучайиши ва идрок этиш ёрдамида эгалланган мусиқий тасаввурларнинг шахс маънавий оламига узлуксиз таъсир этиши мумкинлигини таъкидлайди.

Тадқиқотчи К.В.Тарасованинг фикрича, бадий образлар мавҳум тафаккурга хос психологик хусусиятларга эга, чунки предмет ҳамда ҳодисалар ҳақидаги ижтимоий тасаввурларнинг маълум ҳиссий шакли сифатида намоён бўлади. Мактабгача ёшдаги болалар идрокида асосан эмоционаллик устунликка эга. К.В.Тарасова мусиқий тасаввурлар шаклланиши – кичик ёшдаги мактаб даврига тўғри келишини тасдиқлайди, бироқ шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мусиқий тасаввурлар таркиб топиши фаол билиш жараёни ҳисобланиб, унинг такомиллашиши кейинги ёш даврларида ҳам фаол давом этади.

В.В.Медушевский тингланган асар ҳақида тасаввурлар шаклланишининг икки босқичини таърифлаб, биринчи босқичда асарнинг “ташқи қавати”, яъни дастлабки кайфиятнинг ҳиссий жиҳати ҳақида, иккинчи босқичда эса ундаги ижтимоий мазмун-моҳият юзасидан адекват тасаввурлар шаклланишини таъкидлайди.

Л.М.Кадцин эса тасаввурларни - идрокнинг дастлабки босқичи сифатида ифодалайди¹⁸. Иккинчи босқич эса интерпретация, яъни тинглаб идрок этилган мусиқа асарларини тасаввурлар асосида талқин этиш, таҳлилий баҳолаш имконияти бўлиб, тадқиқотчи тасаввурларнинг асосий, ҳал қилувчи аҳамиятини шу босқичда ифодалайди ва бу босқич асар муаллифи, ижрочи ҳамда замондош тингловчилар сингари ижтимоий муносабатлар субъектлари позициясида амалга оширилишини уқтиради.

Бундан ташқари, у турли жанр ва йўналишдаги мусиқа асарларини тинглаш орқали шахслар онгида шаклланадиган тасаввурларнинг уч кўринишини ҳамда уларнинг бир-бирига боғлиқлиги йўналишларини кўрсатиб беради. Ушбу тасниф асарлардаги интеллектуал ва эмоционал хусусиятларнинг шахс онгида реаллашуви ва баҳолаш тизимида намоён бўлиши билан характерланади.

“Эркин услубдаги асарларни тинглаш орқали ҳосил бўладиган тасаввурлар боғлиқлиги йўналиши:

интеллектуал — ~~эмоционал~~ ассоциатив (таққослаш) тасаввурлар;

Вокал мусиқа ҳамда телерадио мусиқасини тинглаганда эса:

интеллектуал — ~~ассоциатив~~ — ~~эмоционал~~ тасаввурлар”¹⁹.

Л.М.Кадцин тасаввурлар боғлиқлигини акс эттиришда асар орқали тасвирланадиган бадий мазмуннинг шахс онгида акс этиш хусусиятларига эътибор қаратади.

¹⁸ Кадцин Л.М. Музыкальное искусство и творчество слушателя: Учеб. пособие для вузов. - М.: Высшая школа, 1990. – С.14.

¹⁹ Юқоридаги китобдан. –Б.16.

Чунончи, тасаввурлар шаклланиши жараёнида эмоционал-психологик кечинмалар мусиқа асарининг субъектив ва ижтимоий мазмунини англашнинг муҳим шарты ҳамда шахс фаоллигининг юқори даражаси эканлиги билан тавсифланиши ҳамда руҳий ва ҳиссий жиҳатдан асардаги воқеаларда иштирок этишга, кечинмаларда ҳамфикр бўлишга даъват қилиши, яъни, тингловчини бастакор билан ижрочининг ижодий фаоллиги даражасига яқинлаштириши мумкин.

Ф.Невинский ва В.И.Петрушинларнинг фикрича, ўсмирларда мусиқа тинглаш орқали шаклланадиган тасаввурлар, уларнинг шахсий ва индивидуал йўналганлиги хусусиятларини акс эттиради²⁰. Бироқ мусиқий тасаввурлар шаклланишида ижтимоий омилларнинг аҳамиятини назарда тутиш лозим. Чунки, болалар ва ўсмирларда шаклланадиган мусиқий тасаввурлар асосан маълум мусиқа ҳақидаги ижтимоий тасаввурлар негизида вужудга келади.

Мусиқий тасаввурлар шаклланиши, йўналганлиги, кўлами ва сифатига маълум мусиқага нисбатан мойиллик, ҳис-туйғулар мутаносиблиги ижобий таъсир этади ҳамда “тингловчи қачонки мусиқа асари мазмунига хос мақбул кечинмаларни тўлиқ ҳис этса ва бу ижро уни чуқур қамраб олса, идеал ҳолат юз беради. Бундай ҳолатни америкалик психолог А.Маслоу “кечинмалар чўққиси”, Л.С.Виготский эса “санъат мўъжизаси” деб атади. Чуқур анланган ҳолда идрок этиш орқали онгости кечинмалари натижасида катарсис²¹ юз беради, натижада тингловчи Арасту сўзлари билан айтганда – “Маънавий роҳатланиш билан боғлиқ енгиллашиш”ни ўзида акс эттиради²². Инсон “кечинмалар чўққиси”га чиққанда, А.Маслоу фикрича, “ўзининг коинот билан қўшилиб кетишини” ҳис қилади. У ўз “Мен”и сарҳадларидан чиқиб, оламни ўзининг табиий давоми сифатида англайди²³. Шахсдаги ушбу эмоционал-психик ҳолатни мусиқий тасаввурлар шаклланишининг энг юқори кўриниши сифатида баҳолаш мумкин.

Юқоридаги таҳлилий фикрлар асосида шуни айтиш мумкинки, мусиқий тасаввур тушунчаси маъно-мазмунда шахсда мусиқа ҳақида олдинги тажрибалар негизида шаклланадиган кўргазмали образлар тушунилади. Мусиқий мазмун оҳанг образларида ифодаланади ва уни тушуниш, кечинмалар тарзида ҳис этиш туфайли ушбу мусиқа ҳақида маълум тасаввурлар тизими шаклланади.

Миллий мусиқий тасаввурлар тизими, шахснинг мусиқа ҳақидаги умумий тасаввурлари, мумтоз мусиқа ҳақидаги тасаввурлар, миллий мусиқанинг оммавий жанрлари (мусиқа фольклори) ҳамда миллий чолғу созлари тўғрисидаги тасаввурлар,

²⁰ Гордеева Т.О. Особенности переживаний подростков при восприятии музыки. Автореферат кандидата психологических наук. М., 1993. – С.9.

²¹ Катарсис (юн. *catharsis*) – ички ғуборлардан фориг бўлиш.

²² Психологический словарь. Под ред. В.В.Давыдова, А.В.Запорожца, Б.Ф.Ломова и др. НИИ общ. и пед. психологии АПН СССР. - М.: Педагогика, 1983. – С.145.

²³ Петрушин В.И. Музыкальная психология. - М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 1997. – С.180.

халқ чолғу куйи, қўшиқларининг ривожланиш қонуниятлари ва асарларнинг шакл тузилиши борасидаги тасаввурлар, миллий мусиқий безаклар ва миллий зарб-усуллар ҳақидаги тасаввурлар мажмуасидан ташкил топади. Ушбу тизимнинг психологик, мусиқий-психологик, ижтимоий, эстетик, бадий, тарбиявий, йўналтирувчи ва ҳ.к. хусусиятлари ўзаро узвий боғлиқдир.